O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
HOKIMI

ХОКИМ
ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

QAROR
РЕШЕНИЕ

20 18yil «29» Декабрь 988 -son

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори ҳамда Тошкент вилоятининг 2019 йилги маҳаллий бюджети параметрлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2018 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 2119-III-сонли, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2018 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги СҚ-348-III-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида”ги ПҚ-4086-сонли ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2018 йил 26 декабрда бўлиб ўтган сессиясининг “Тошкент вилоятининг 2019 йилги маҳаллий бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги XXXIV/II-II сонли қарорларининг ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарорига биноан:

2.1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2020-2021 йилларга мақсадли мўлжаллари;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил учун консолидациялашган бюджети жамланма параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари;

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги Давлат бюджети асосий параметрлари;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси), Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси хузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасининг 2019 йил учун асосий параметрлари тасдиқланганлиги;

2.2. 2019 йил учун:

ягона солиқ тўлови ставкалари;

ягона ижтимоий тўлов ставкалари;

якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари;

ер қаъридан фойдаланганлиги учун солиқ, имзоланадиган бонус ва тижоратбоп топилма бонуси, айрим турдаги маҳсулотлар бўйича қўшимча фойда солиғи ставкалари;

сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ, жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари;

келиб тушаётган маблағларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказган ҳолда ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказишда автотранспорт воситаларининг эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган автотранспорт воситаларини сотиб олганлиги ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлиги учун йиғимлар ҳамда хорижий давлатлар автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва транзити учун йиғимлар ставкалари тасдиқланганлиги;

2.3. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб:

ягона солиқ тўлови ва ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдорлари;

юк ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар учун, солиққа тортиш тизимидан қатъи назар, битта транспорт воситасига ҳисоблаганда улар томонидан тўланаётган солиқларнинг жами миқдори якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу фаолият тури бўйича тўлаётган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаслиги тўғрисидаги тартиб бекор қилинганлиги;

2.4. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ёки ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан тўлиқ озод қилиш кўринишидаги вақтинчалик имтиёзларга эга бўлган юридик шахслар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини имтиёзлар амал қилиш муддати тугагунга қадар икки баравар пасайтирилган ставкада тўлаш тартиби сақлаб қолинганлиги;

2.5. Белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилиши ва ушбу бадал миқдори жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан 0,1 фоиз миқдорида ҳисоблаб чиқарилиши ўрнатилганлиги;

2.6. 2019 йил 1 январдан бошлаб юридик шахслар хизмат кўрсатувчи банклардан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун пул маблағларини олишда (ёки пластик карталарга ўтказишда) ягона ижтимоий тўлов ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш бўйича тўлов ҳужжатларини тақдим этиши лозимлиги назарда тутилганлиги;

2.7. Қуйидагилар:

иш берувчи ташкилотларга солиқ юкининг, шу жумладан ягона ижтимоий тўловнинг камайтирилиши натижасида бўшайдиган маблағлар ҳисобидан ходимлар иш ҳақи миқдорини ошириш тавсия этилганлиги;

солиқ тўловчилар 2019 йил 1 апрелга қадар ходимлар сони ва (ёки) меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ихтиёрий равишда ҳисоботларда расмийлаштирган ва акс эттирган тақдирда аввалги ҳисобот даврларида ходимлар сонини яширганлик учун жавобгарликдан, илгари кўрсатилмаган ходимлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлови суммасини қўшимча ҳисоблашдан озод қилиниши белгиланганлиги;

2.8. 2019 йил 1 январдан ўрнатилган тартибга кўра:

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошган, бироқ бир миллиард сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ягона солиқ тўловини 4 фоиз ставкада тўлашга ўтказилиши;

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми 100 миллион сўмдан ошмаган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби сақлаб қолиниши;

календарь йилида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушуми бир миллиард сўмдан ошган якка тартибдаги тадбиркорлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни юридик шахслар учун назарда тутилган тартибда тўлаши белгиланганлиги;

2.9. Қуйидагилар:

а) 2019 йил 1 январдан:

бир вақтнинг ўзида мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлиги учун тўлов ҳақини ойига 2000 сўмга пасайтириш ҳамда маблағларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг

18-иловасига мувофиқ нормативларга асосан тақсимлаган ҳолда кўрсатилган хизматларнинг умумий қийматидан 15 фоиз ставкада мобиль алоқа хизмати учун акциз солиғи;

бир вақтнинг ўзида полиэтилен гранула бўйича қўшимча фойда солиғини бекор қилган ҳолда 25 фоиз миқдоридаги полиэтилен гранулаларга акциз солиғи;

б) 2019 йил 1 мартдан қатъий белгиланган солиқ билан бир қаторда адвалор ставканинг киритилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган сигареталарга акциз солиғининг аралаш ставкаси киритилганлиги;

в) 2019 йил 1 июлдан алкоголь ва тамаки маҳсулотларига белгиланган ставкаларни қўшимча равишда 20 фоизгача оширган ҳолда 2019 йил учун акциз солиғига тортиладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган (кўрсатиладиган) товарларга (хизматларга) акциз солиғи ставкалари тасдиқланганлиги;

2.10. 2019 йил 1 июлдан товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олувчилар қўшилган қиймат солиғи тўловчилари ҳисобланмайдиган етказиб берувчилардан олинган ҳисоб-фактуралар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга эмаслиги, бунда, солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органларида қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти орқали реал вақт режимида аниқланиши белгиланганлиги;

2.11. 2019 йил 1 январдан:

цемент ва клинкер учун қўшимча фойда солиғи;

фойдали хизмат муддати тугаган, тўлиқ эскирган ускуналардан фойдаланиш учун тўлов бекор қилинганлиги;

2.12. Қуйидагилар:

а) 2019 йилда ягона ер солиғи тўловчилар учун солиққа тортишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолиниши маълумот учун қабул қилинганлиги;

б) 2019 йил 1 январдан, тажриба тариқасида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, токзорлар) билан банд қилинган суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар учун мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан ундириладиган ягона ер солиғининг базавий ставкалари киритилганлиги;

2.13. 2019 йил учун маҳаллий йиғимларнинг чегараланган ставкалари тасдиқланганлиги;

2.14. Қарзни ундиришни солиқ тўловчиларнинг мол-мулкига қаратиш учун солиқ бўйича қарзларнинг энг кам миқдорлари тасдиқланганлиги;

2.15. Мол-мулкни ижарага беришдан олинадиган даромадларни солиққа тортиш шартномада белгиланган ижара тўлови суммасидан келиб чиққан ҳолда, лекин:

юридик шахслар учун – давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлиги учун ижара тўловининг энг кам ставкаларидан;

мол-мулкини ижарага берувчи жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг 24-иловасига мувофиқ белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган суммадан кам бўлмаган миқдорда белгиланганлиги;

2.16. Давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларнинг бекор қилиниши, шунингдек, ягона солиқ тўлови таркибининг ўзгариши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг:

а) 2019 йил 1 январдан:

ижтимоий соҳа муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларни молиялаштириш ва келишиш функцияларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юклаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини;

соҳани ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, магистраль (вилоятлараро) коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича буюртмачи функцияларини Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги зиммасига, мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича манзилли дастурларни молиялаштириш ва келишиш функцияларини эса Молия вазирлиги зиммасига юклаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини;

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастурини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан харажатларни алоҳида сатрда кўрсатган ҳолда молиялаштириш орқали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармасини тугатиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси (кейинги ўринларда – Республика йўл жамғармаси)ни Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тасарруфига ўтказиш ҳамда:

йўл хўжалиги соҳасидаги қурилиш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларни молиялаштириш ва келишиш, шунингдек, автомобиль йўлларидан фойдаланиш ва сақлаш бўйича харажатларни молиялаштириш, Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, унинг ҳудудий бош бошқармалари, туман йўллардан

фойдаланиш корхоналари, йўллардан мунтазам фойдаланиш корхоналари, кўприклардан фойдаланиш корхоналари, Республика йўл жамғармаси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясини сақлаш функцияларини Молия вазирлиги зиммасига юклаш;

бошқарув ходимларининг чекланган сонини 9 бирликдан иборат этиб белгилаган ҳолда Республика йўл жамғармасини йўл хўжалиги соҳасида халқаро молиявий институтлар, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ижрочи орган сифатида белгилаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилганлиги;

2.17. Қуйидагилар:

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармасига 2019 йил 1 январдан кейин тушадиган мажбурий ажратмалар суммаси тўлиқ миқдорда Пенсия жамғармасига ўтказилиши, ушбу тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммалар Пенсия жамғармасидан тўланиши;

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармалари ва Республика йўл жамғармасининг (ходимларни моддий рағбатлантириш махсус ҳисобрақамидан ташқари) 2018 йил якуни бўйича қолдиқ маблағлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилиши ҳамда якунланмаган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари кейинчалик Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирилиши;

тугатилаётган давлат мақсадли жамғармаларининг 2019 йил 1 мартгача бўлган давр учун ходимларига тўланадиган иш ҳақи, компенсация тўловлари ва бошқа харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланганлиги;

2.18. 2019 йил 1 январдан бошлаб зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ҳамда дафн этиш маросими учун нафақаларни тўлаш харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланганлиги;

2.19. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва биринчи навбатдаги тўловларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш мақсадида бюджет маблағлари олувчиларга бюджет маблағларини ажратиш аввал ажратилган маблағларнинг амалда ўзлаштирилишига қараб амалга оширилиши;

вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига солиқ бўлмаган тўловлардан ажратмалар меъёрларини ўзгартириш, шунингдек, янги турдаги ажратмаларни жорий этиш келгуси йилнинг бошидан амалга оширилиши белгиланганлиги;

2.20. Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси тугатилганлиги ва жамғармадан аввал ажратилган маблағлар ва унинг қолдиқлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилиши шартлиги белгиланганлиги;

2.21. Ўрнатилган тартибга кўра 2019 йил 1 мартдан бошлаб вазирликлар, идоралар, давлат мақсадли жамғармалари ва бошқа бюджет маблағлари тақсимловчилари бюджетдан ажратилган маблағлар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланиш, ўтказилган танлов (тендер)лар ва сотиб олинган товарларни етказиб бериш ҳақидаги тегишли ахборотни ўз расмий веб-сайтларида жойлаштириши белгиланганлиги;

2.22. 2019 йилдан бошлаб ноль ставкани қўллаш натижасида юзага келган қўшилган қиймат солиғи бўйича ортиқча суммани қайтариш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини ушбу суммага камайтирган ҳолда амалга оширилиши белгиланганлиги;

2.23. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулияти ва манфаатдорлигини кучайтириш, уларнинг даромадлар бўйича ваколатлари ва харажатлар бўйича мажбуриятларини ошириш мақсадида 2019 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар:

а) қуйидаги даромадлар:

жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи, жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларидан олинадиган солиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (электр станцияларидан ташқари), ягона ер солиғи, айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш учун йиғимлар, бозорлардан тушадиган даромадлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг 26-иловасига мувофиқ айрим норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлиги учун солиқ тушумлари, қонунбузарликларнинг айрим турлари учун жарималар туманлар ва шаҳарлар бюджетларига;

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети билан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида тақсимлаган ҳолда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ягона солиқ тўловидан ажратмалар, алкоголь маҳсулотлари, пиво, бензин, дизель ёқилғиси ва газнинг чакана реализациясига акциз солиғи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилиши;

б) қўшилган қиймат солиғи тушумларининг бир қисми (товарларни импорт қилишда олинадигани бундан мустасно), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бундан мустасно), юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият юритаётган

Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланадигани, шунингдек, норезидентнинг даромадларидан тўлов манбаида ушлаб қолинадигани бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджети ўртасида тақсимланиши;

в) бюджет ташкилотларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг 27-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ўтказилиши;

г) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети билан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетлари ўртасида тақсимланадиган солиқлардан (ер қаъридан фойдаланганлиги учун солиқ ва тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи бундан мустасно) маҳаллий бюджетларга ажратмалар 50 фоиздан кам бўлган тақдирда, ушбу солиқлар бўйича даромадларнинг прогноздан ошириб бажарилишидан ҳосил бўлган маблағларнинг 50 фоизи маҳаллий бюджетларга қайтарилиши;

д) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмларини тасдиқлаш бўйича қарорлар қабул қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашларига:

харажатларнинг етишмаётган суммасини алоҳида туманлар ва шаҳарлар бюджетларини режалаштиришда шаклланадиган ортиқча даромадларни Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети билан туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида қайта тақсимлаш ҳисобидан қоплаш;

қўшилган қиймат солиғи (импорт қилинадиган товарларга қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (мол-мулкни ижарага беришдан олган даромадларидан олинадиган солиқ бундан мустасно), юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи (Ўзбекистон Республикасида доимий муассаса орқали фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси норезиденти томонидан тўланадигани, шунингдек, норезидентнинг даромадларидан тўлов манбаида ушлаб қолинадигани бундан мустасно)нинг бир қисмини тегишли ҳудудларда қолаётган даромадлар доирасида йўналтириш;

даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган маблағлардан бир қисмини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўтказиш бўйича ваколатлар берилиши назарда тутилганлиги;

2.24. Сув таъминоти ташкилотлари томонидан жалб қилинган халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари қарзлари ва кредитларининг қайтарилиши етишмаган қисмида Ўзбекистон Республикаси

Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига сув таъминоти ташкилотларининг молиявий ҳолатини қатъий назорат қилиш, уларнинг молиявий оқимлари устидан мониторинг олиб боришни таъминлаш, кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча маблағларни ундириш чораларини кўриш ва маблағлар етмаган ҳолларда, асосий қарз ва фоиз тўловларининг қопланмаган қисмини Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштириш белгилаб берилганлиги;

2.25. 2019 йил учун қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ҳажмлари, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан мақсадли ижтимоий трансфертлар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг 28-иловасига мувофиқ;

2019 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқлари тушумларидан ажратмалар нормативлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг 29-иловасига мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг айланма касса маблағларининг йўл қуйиладиган энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг 30-иловасига мувофиқ;

2019 йил учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг захира жамғармалари миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг 31-иловасига мувофиқ тасдиқланганлиги;

2.26. 2019 йил 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини 2018 йил учун белгиланган миқдорларда сақлаб қолган ҳолда 2019 йил 1 майдан бошлаб уларнинг янги миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг 32-иловасига мувофиқ ўрнатилиши белгиланганлиги;

2.27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-1245-сонли қарори 24-бандининг амал қилиши 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилганлиги;

2.28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг 33-иловасига мувофиқ;

2.29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорининг 34-иловасига мувофиқ 2019 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланганлиги маълумот ва белгиланган тартибда амалда бажариш учун қабул қилинсин.

3. Тошкент вилояти бўйича 2019 йил учун:

вилоят, туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджети даромад ва харажатларининг ҳажми 1-иловага мувофиқ;

вилоят бюджетининг 2019 йилги белгиланган даромадлар ва харажатлар тақсимоти 2-иловага мувофиқ;

вилоят, туман ва шаҳар бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажми, мақсадли ижтимоий трансфертлар ҳамда туман ва шаҳар бюджетларидан олинадиган ортиқча даромадлар миқдори 3-иловага мувофиқ;

умумдавлат солиқларидан кутилаётган тушумларнинг вилоят, туман ва шаҳар бюджетларига ажратмалари меъёри 4-иловага мувофиқ;

маҳаллий солиқлардан кутилаётган тушумларнинг вилоят, туман ва шаҳар бюджетларига ажратмалари меъёри 5-иловага мувофиқ;

вилоят, туман ва шаҳар бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 6-иловага мувофиқ;

вилоят, туман ва шаҳар бюджетларининг захира жамғармаси миқдори 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Рустамов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Қ. Ҳамдамов, вилоят “Сув-оқова” давлат унитар корхонаси (С. Миржамолов), вилоят молия бош бошқармаси (Ф. Худойбердиев), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (К. Атаев), туман ва шаҳар ҳокимликлари сув таъминоти ташкилотларининг молиявий ҳолатини қатъий назорат қилиш, уларнинг молиявий оқимлари устидан мониторинг олиб боришни таъминласин, кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча маблағларни ундириш чораларини кўрсин ва маблағлар етмаган ҳолларда, асосий қарз ва фоиз тўловларининг қопланмаган қисмини маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари мавжуд бўлмаган ва қарздорликни тўлаш муддатлари келган ҳолларда қарздорлик ўз вақтида сўндирилмаслигига йўл қўйган сув таъминоти ташкилотларининг молиявий оқимлари устидан мониторингни таъминлаш бўйича таклифлар киритган ҳолда уларнинг халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари олдидаги

қарздорлигини Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча даромадлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқи берилганлиги инобатга олинсин.

5. Вилоят ҳокимлигининг молия бош бошқармаси (Ф. Худойбердиев) 2019 йилнинг январь ойида вилоят ғазначилик бошқармаси (Ш. Алибеков) ва Марказий банк вилоят бош бошқармаси (К. Атаев) билан биргаликда 2018 йилги Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботда ўтказилган операцияларни акс эттирган ҳолда унинг ижроси бўйича якуний операцияларни қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширсин.

6. Вилоят ҳокимлигининг юридик хизмати ва туман (шаҳар) ҳокимликлари тегишлича вилоят ҳокимлиги ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларида қабул қилинган ички ҳужжатларни бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига белгиланган тартибда мувофиқлаштирилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Рустамов, вилоят ҳокимининг соҳалар бўйича ўринбосарлари ҳамда туман ва шаҳар ҳокимлари зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими **Ғ. Ибрагимов**

Тошкент вилояти ҳокимининг
2018 йил "29" декабрдаги
988 - сон қарорига
1-илова

Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 2019 йилги асосий параметрлари

	Даромад турлари	минг. сўм
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	-
2	Норезидентлар томонидан тўланадиган фойда солиғи	-
3	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	69 032 569
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	850 014 473
5	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган қатъий белгиланган даромад солиғи	59 000 000
6	Қўшилган қиймат солиғи	571 297 061
7	Акциз солиғи, жами	843 337 981
	шу жумладан:	
	- ароқ	*457 054 538*
	- коньяк	*886 650*
	- табиий вино	*276 328*
	- бошқа винолар	*1 879 860*
	- шампан, газли ва вижиллаб турадиган винолар	-
	- этил спирти	*13 346 032*
	- пиво	*125 200 000*
	- тамаки маҳсулотлари	-
	- дизел ёқилғиси	-
	- суюлтирилган газ	-
	- табиий газ	-
	- уяли алоқа компаниялари	-
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*244 694 573*
8	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	93 613 100
9	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	110 850 459
10	Юридик шахслар ер солиғи	132 072 100
11	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	59 336 925
12	Ягона ер солиғи	32 751 575
13	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	-
14	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	19 607 600
15	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	107 679 000
15	Қўшимча фойда солиғи	-
16	Давлат божи	93 582 921
17	Жарималар	43 716 871
18	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	32 095 121
19	Бозорлар даромадидан тушум	41 177 737
20	Маҳаллий йиғимлар	9 849 261
ЖАМИ		**3 169 014 754**

	Харажат кўрсаткичлари	минг сўм
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами**	**2 685 437 052**
	шу жумладан:	
1.1	Маориф	1 735 942 397
	- мактабгача таълим	324 662 561
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	234 946 544
	- умумий таълим	1 410 913 104
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	1 332 545 653
	- кадрлар тайёрлаш	366 732
1.2	Соғлиқни сақлаш	836 426 971
	иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўловлар	698 017 505
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	53 680 223
	- маданият ва оммавий ахборот воситалари	16 008 228
	- спорт	37 671 995
1.4	Фан	3 736 599
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	49 989 074
1.6	Чернобиль фалокатини бартараф этишда қатнашганларни ижтимоий ҳимоялаш	7 974
1.7	Давлат мукофотларини тўлаш бўйича харажатлар	20 273
1.8	Иситиш қозонхоналари ва иситиш тизимларини капитал таъмирлаш	2 427 160
1.9	Фуқароларга етказилган зарарни қоплаш	1 119 084
1.10	Ижтимоий кўникма марказлари	2 087 297
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**216 374 760**
	шу жумладан:	
2.1	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	10 150 064
2.2	Ободонлаштириш	97 952 973
2.3	Дренаж ишлари билан боғлиқ харажатлар	960 088
2.4	Кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш	3 759 159
2.5	Тошкент вилояти ҳокимлигининг ўрмон хўжаликлари	28 024 803
2.6	"Тоза ҳудуд" Давлат унитар корхонаси	12 200 800
2.7	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	37 989 411
2.8	Ўрмон хўжалиги ташкилотлари	2 589 995
2.9	Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бошқармалари	6 113 149
2.10	Чигиртка ва қизил капалакка қарши профилактика ва курашиш радиологик ва токсикологик кузатувларни олиб бориш, тупроқ ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларидаги оғир металл тузлари ва пестицидлар чўкиндиларини қолдикларни, тўпланган радионуклидларни таҳлил қилиш бўйича чора-тадбирларни	1 803 537
2.11	Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	3 573 759
2.12	Ветеринария қўмитаси	11 257 022
3.	**Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар**	**28 886 100**
4.	**Давлат бошқарув органларини сақлаш**	**121 637 843**
	шу жумладан:	
4.1	Давлат бошқарув идоралари	121 637 843
5.	**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш**	**81 693 548**
6.	**Захира жамғармаси**	**31 376 384**
7.	**Бошқа харажатлар**	**3 609 067**
	шу жумладан:	
7.1	Маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган бошқа муассасалар ва тадбирлар	3 609 067
	Харажатлар - жами	**3 169 014 754**

Тошкент вилояти ҳокимининг
2018 йил "29" декабрдаги
988 - сон қарорига
2-илова

Тошкент вилояти вилоят бюджетининг 2019 йилги даромадлар ва харажатлар тақсимоти

	Даромад турлари	минг. сўм
1	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	25 135 191
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	810 040 472
3	Қўшилган қиймат солиғи	
4	Акциз солиғи, жами	843 337 981
	шу жумладан:	
	- ароқ	*457 054 538*
	- коньяк	*886 650*
	- табиий вино	*276 328*
	- бошқа винолар	*1 879 860*
	- этил спирти	*13 346 032*
	- пиво	*125 200 000*
	- уяли алоқа компаниялари	-
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*244 694 573*
5	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	66 202 581
6	Юридик шахслар ер солиғи	87 300 974
7	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2 040 000
8	Қўшимча фойда солиғи	571 297 061
9	Давлат божи	93 582 921
10	Жарималар	
11	ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар	32 095 121
	ЖАМИ	**2 531 032 302**
	Даромадлар - жами	**2 531 032 302,0**
	Вилоят бюджетидан туман ва шаҳар бюджетларига бериладиган трансфертлар	**-2 023 408 177,0**
	Туман ва шаҳарлар бюджетидан вилоят бюджетига олинадиган ортиқча даромад	**71 978 579,0**
	Даромадлар - жами	**579 602 704,0**

	Харажат кўрсаткичлари	минг сўм
1.	**Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга харажатлар - жами**	**390 819 149,0**
1.1	Маориф	**99 528 174,0**
	- мактабгача таълим	1 461 485,0
	- умумий таълим	97 699 957,0
	- кадрлар тайёрлаш	366 732,0
1.2	Соғлиқни сақлаш	233 005 473,0
1.3	Маданият ва спорт, оммавий ахборот воситалари	**3 185 001,0**
	- спорт	11 940 091,0
1.4	Фан	3 736 599,0
1.5	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар	49 989 074,0
1.6	Давлат мукофотларини тўлаш бўйича харажатлар	20 273,0
1.7	Ижтимоий кўникма марказлари	27 395,0
1.8	Иситиш қозонхоналари ва коммунал хўжаликнинг иситиш тизимларини капитал таъмирлаш	1 327 160,0
2.	**Иқтисодиётга харажатлар**	**105 523 558,0**
2.1	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташкилотлари	42 075 109,0
2.2	Тошкент вилояти ҳокимлигининг ўрмон хўжаликлари	30 614 798,0
2.3	Ободонлаштириш	13 299 933,0
2.4	Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлимларини сақлаш харажатлари	3 573 759,0
2.5	"Тоза ҳудуд" Давлат унитар корхонаси	12 200 800,0
2.6	Кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш	3 759 159,0
3.	**Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар**	28 886 100,0
4.	**Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаш**	45 026 190,0
5.	**Заҳира жамғармаси**	5 738 640,0
6.	**Бошқа харажатлар**	3 609 067,0
	Харажатлар - жами	**579 602 704,0**

Тошкент вилояти ҳокимининг
2018 йил "29 декабрдаги
988 - сон қарорига
3-илова

2019 йил учун Тошкент вилояти вилоят, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлар ва харажатлар ҳажмлари

минг сўмда

Т/Р	Туман ва шаҳарлар номи	Даромадлар	Вилоят бюджетидан туман ва шаҳар бюджетларига бериладиган трансфертлар	Туман ва шаҳарлар бюджетидан вилоят бюджетига олинадиган трансфертлар	Харажатлар
1	Бекобод тумани	27 466 182	110 043 992		137 510 174
2	Бўка тумани	24 841 398	100 189 224		125 030 622
3	Бўстонлиқ тумани	30 946 628	106 157 813		137 104 441
4	Зангиота тумани	57 014 147	119 202 660	-18 897 375	157 319 432
5	Юқоричирчиқ тумани	22 849 086	81 286 077		104 135 163
6	Қибрай тумани	37 096 076	113 628 951		150 725 027
7	Оққўрғон тумани	21 630 441	85 260 171		106 890 612
8	Оҳангарон тумани	19 461 811	73 068 442		92 530 253
9	Паркент тумани	26 735 514	113 606 496		140 342 010
10	Пискент тумани	45 279 682	76 123 917	-25 147 682	96 255 917
11	Тошкент тумани	31 972 852	101 673 134		133 645 986
12	Ўртачирчиқ тумани	27 365 354	111 028 363		138 393 717
13	Чиноз тумани	26 274 774	97 898 468		124 173 242
14	Қуйичирчиқ тумани	23 117 159	91 616 384		114 733 543
15	Янгийўл тумани	27 830 338	120 703 842		148 534 180
16	Ангрен шаҳри	41 703 098	156 378 093		198 081 191
17	Бекобод шаҳри	21 952 002	73 279 478		95 231 480
18	Олмалиқ шаҳри	27 116 395	99 789 218		126 905 613
19	Чирчиқ шаҳри	58 169 089	104 399 859	-27 933 522	134 635 426
20	Оҳангарон шаҳри	11 984 946	25 872 281		37 857 227
21	Янгийўл шаҳри	13 839 976	35 812 725		49 652 701
22	Нурафшон шаҳри	13 335 506	26 388 589		39 724 095
23	Вилоят бюджети	2 531 032 302	-2 023 408 177	71 978 579	579 602 704
ЖАМИ		**3 169 014 754**	**0**	**0**	**3 169 014 754**

Тошкент вилояти ҳокимининг
2018 йил "29" декабрдаги
988 - сон қарорига
4-илова

Тошкент вилояти бўйича 2019 йилда умумдавлат солиқларидан кутилаётган тушумларнинг вилоят, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратмалар меъёри

фоизда

Т/Р	Туман ва шаҳарлар номи	Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан ягона солиқ тўлови		Юридик шахслар ер солиғи		Юридик шахслар мол-мулк солиғи		Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи		Давлат божи		ЎзР ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ундириладиган йиғимлар		Қўшилган қиймат солиғи		Акциз солиғи		Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик (электр станция)	
		Маҳаллий	Вилоят	Маҳаллий	Вилоят	Маҳаллий	Вилоят	Маҳаллий	Вилоят	Маҳаллий	Вилоят	Маҳаллий	Вилоят	Маҳаллий	Вилоят	Маҳаллий	Вилоят	Маҳаллий	Вилоят
1	Бекобод тумани	100		100		90	10	40	60		100		100		20		100		100
2	Бўка тумани	100		100		100		28	72		100		100		20		100		100
3	Бўстонлик тумани	90	10	4	96	2	98		100		100		100		20		100		100
4	Зангиота тумани		100		100		100		100		100		100		20		100		100
5	Юкоричирчиқ тумани	100		35	65	35	65		100		100		100		20		100		100
6	Қибрай тумани	30	70	30	70	30	70		100		100		100		20		100		100
7	Оққўрғон тумани	100		100		100		40	60		100		100		20		100		100
8	Оҳангарон тумани	100		10	90	13	87		100		100		100		20		100		100
9	Паркент тумани	100		92	8	100		12	88		100		100		20		100		100
10	Пискент тумани		100		100		100		100		100		100		20		100		100
11	Ўртачирчиқ тумани	100		100		100		5	95		100		100		20		100		100
12	Чиноз тумани	100		100		100		3	97		100		100		20		100		100
13	Қуйичирчиқ тумани	100		100		100		47	53		100		100		20		100		100
14	Янгийўл тумани	80	20		100		100		100		100		100		20		100		100
15	Ангрен шаҳри	100		82	18	100			100		100		100		20		100		100
16	Бекобод шаҳри	32	68		100		100		100		100		100		20		100		100
17	Олмалиқ шаҳри	100		100		9	91		100		100		100		20		100		100
18	Чирчиқ шаҳри	100			100		100		100		100		100		20		100		100
19	Оҳангарон шаҳри		100	100		47	53		100		100		100		20		100		100
20	Янгийўл шаҳри	12	88	10	90	10	90	5	95		100		100		20		100		100
21	Нурафшон шаҳри	100		100		40	60	10	90		100		100		20		100		100
22	Тошкент тумани	100		10	90		100		100		100		100		20		100		100
ЖАМИ		**100**		**100**		**100**		**77**		**100**		**100**		**20**		**100**		**100**	

Тошкент вилояти ҳокимининг
2018 йил "29" декабрдаги
988 - сон қарорига
5-илова

Тошкент вилояти бўйича 2019 йилда маҳаллий солиқлардан кутилаётган тушумларнинг вилоят, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратмалар меъёри

фоизда

Т/Р	Туман ва шаҳарлар номи	жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ		жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи		Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи ва айри турдаги ҳизматларни кўрсатиш учун йиғилар		якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солик		сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ (электр станцияларидан ташқари)		ягона ер солиғи		Ер каъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)		Жарималар		бозорлардан тушадиган даромадлар	
		Туман (шаҳар) бюджети	Вилоят бюджети	Туман (шаҳар) бюджети	Вилоят бюджети	Туман (шаҳар) бюджети	Вилоят бюджети	Туман (шаҳар) бюджети	Вилоят бюджети	Туман (шаҳар) бюджети	Вилоят бюджети	Туман (шаҳар) бюджети	Вилоят бюджети	Туман (шаҳар) бюджети	Вилоят бюджети	Туман (шаҳар) бюджети	Вилоят бюджети	Туман (шаҳар) бюджети	Вилоят бюджети
1	Бекобод тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
2	Бўка тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
3	Бўстонлиқ тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
4	Зангиота тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
5	Юқоричирчиқ тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
6	Қибрай тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
7	Оққўрғон тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
8	Оҳангарон тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
9	Паркент тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
10	Пискент тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
11	Ўртачирчиқ тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
12	Чиноз тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
13	Қуйичирчиқ тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
14	Янгийўл тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
15	Ангрен шаҳри	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
16	Бекобод шаҳри	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
17	Олмалиқ шаҳри	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
18	Чирчиқ шаҳри	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
19	Оҳангарон шаҳри	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
20	Янгийўл шаҳри	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
21	Нурафшон шаҳри	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
22	Тошкент тумани	100		100		100		100		100		100		100		100		100	
ЖАМИ		**100**		**100**		**100**		**100**		**100**		**100**		**100**		**100**		**100**	

Тошкент вилояти ҳокимининг
2018 йил "29" декабрдаги
988 - сон қарорига
6-илова

Тошкент вилояти бўйича 2019 йилда вилоят, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари

минг сўм

Т/Р	Туман ва шаҳарлар номи	Айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари
1	Бекобод тумани	447 000
2	Бўка тумани	385 000
3	Бўстонлиқ тумани	435 000
4	Зангиота тумани	480 000
5	Юқоричирчиқ тумани	325 000
6	Қибрай тумани	596 000
7	Оққўрғон тумани	309 000
8	Оҳангарон тумани	318 000
9	Паркент тумани	456 000
10	Пискент тумани	337 000
11	Ўртачирчиқ тумани	489 000
12	Чиноз тумани	396 000
13	Қуйичирчиқ тумани	339 000
14	Янгийўл тумани	584 000
15	Ангрен шаҳри	721 000
16	Бекобод шаҳри	382 000
17	Олмалиқ шаҳри	549 000
18	Чирчиқ шаҳри	398 000
19	Оҳангарон шаҳри	67 000
20	Янгийўл шаҳри	62 000
21	Нурафшон шаҳри	62 000
22	Тошкент тумани	456 000
23	Вилоят бюджети	18 989 000
ЖАМИ		**27 582 000**

Тошкент вилояти ҳокимининг
2018 йил "29" декабрдаги
988 - сон қарорига
7-илова

Тошкент вилояти вилоят бюджетининг 2019 йил учун белгиланган заҳира жамғармаси миқдори

минг сўм

Т/Р	Туман ва шаҳарлар номи	Заҳира жамғармаси миқдори
1	Бекобод тумани	1 361 487,0
2	Бўка тумани	1 237 927
3	Бўстонлиқ тумани	1 357 470
4	Зангиота тумани	1 557 618
5	Юқоричирчиқ тумани	1 031 041
6	Қибрай тумани	1 492 327
7	Оққўрғон тумани	1 058 323
8	Оҳангарон тумани	916 141
9	Паркент тумани	1 389 525
10	Пискент тумани	953 029
11	Ўртачирчиқ тумани	1 370 235
12	Чиноз тумани	1 229 438
13	Қуйичирчиқ тумани	1 135 976
14	Янгийўл тумани	1 470 635
15	Ангрен шаҳри	1 961 200
16	Бекобод шаҳри	942 886
17	Олмалиқ шаҳри	1 256 491
18	Чирчиқ шаҳри	1 333 024
19	Оҳангарон шаҳри	374 824
20	Янгийўл шаҳри	491 611
21	Нурафшон шаҳри	393 308
22	Тошкент тумани	1 323 228
23	Вилоят бюджети	5 738 640
ЖАМИ		**31 376 384**